

Янги Ipoteka-Retail мобил иловаси оммабоплигини ошириш учун акция шартлари

1. Акция даври: 2022 йил 7 декабрдан 2023 йил 14 марта гача
2. Акцияда фақат 18 ёшга тўлган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари иштирок этишлари мумкин, “Ипотека-банк” АТИБ ходимлари акцияда иштирок этиш ҳукуқига эга эмас.
3. Акцияда иштирок этиш акция иштирокчиларининг ушбу шартларга тўлиқ розилигини билдиради.
4. Ipoteka-Retail мобил иловасида акция тугаллангунга қадар авторизациядан ўтган онлайн омонат очган (камида 1 млн. сўмлик) ёки онлайн-микроқарз расмийлаштирган ёки коммунал тўловни амалга ошириган мижозлар автоматик равишда акция иштирокчисига айланади.
5. Ipoteka-Retail мобил иловасини юклаб олиб фойдаланаётган, аммо онлайн омонат очмаган ёки онлайн-микроқарз расмийлаштирган ёки коммунал тўловни амалга оширган мижозлар акция иштирокчиси ҳисобланмайди.
6. 2023 йил **17 март куни мижозлар орасида ўйналадиган ютуқлар** қуйидагилардан ташкил топган:
 - **3 ўрин** учун **25** миллион сўм;
 - **2 ўрин** учун **35** миллион сўм;
 - **1 ўрин** учун **50** миллион сўм.
7. Акция даврида **1 ҳафтада 1 маротаба** сесланба куни соат 16:00 да **мижозлар орасида 5 та аниқланган ғолибга 1 миллион сўмдан** берилади.
8. Акция доирасида ютуқларни ўйналиши 2022 йил декабрь ойидан 2023 йил март ойига қадар ҳар ҳафтада бир марта ҳамда 2023 йил 17 март куни бир марта ўтказилади. Акция шартларига мос келадиган мижозлар ўйин иштирокчилари ҳисобланади. Акция ғолиблари Random.org сайти орқали аниқланади.

Ҳар ҳафта акция ғолиблари 5 та тасодифий танлов орқали аниқланади;

2023 йил 17 март куни акция ғолиблари қуйидаги тартибда аниқланади:

- 1-навбатда 3 ўрин (1 та мижоз);
- 2-навбатда 2 ўрин (1 та мижоз);
- 3-навбатда 1 ўрин (1 та мижоз).

9. Акция ҳар ҳафтада бир марта сесланба куни соат 16:00 да ўтказилади.

10. Ўйин натижалари ва ғолиблар ҳақидаги маълумотлар банкнинг расмий сайти ва ижтимоий тармоқлардаги сахифалари (Instagram/Facebook)да эълон қилинади.

11. Банк акция ғолиблари билан банкнинг масъул ходими телефон орқали боғланади.